

БАЛҒАМ КЎЧИРУВЧИ ХОССАГА ЭГА БЎЛГАН “ТОНЗИЛАТ” ЭЛИКСИРИНИНГ СИФАТ НАЗОРАТИ

З.Х.Абдужалилова, М.У.Усуббаев, Х.К.Жалилов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: маҳаллий хом ашёлар асосида тайёрланган, балғам кўчирувчи хоссага эга бўлган “Тонзилат” эликсирининг сифатини баҳолаш.

Усуллар: ХІ ДФ ва тегишли МХ ларда келтирилган ташқи кўриниш, қуруқ қолдиқ, оғир металл тузлари ва спирт қуввати (қайнаш ҳарорати бўйича).

Натижалар: “Тонзилат” эликсири маҳаллий ўсимлик хом ашёлари гулхайри илдизи; ёнғоқ ва маврак барги; оддий бўймадарон ва мойчечак гули; қирқбўғин ва қоқиўт ер устки қисми асосида 60% ли этил спирти ёрдамида, мацерацион-циркуляция усулида олинган бўлиб, унинг сифат кўрсаткичларидан ташқи кўриниши, қуруқ қолдиқ миқдори, оғир металл тузлари ва спирт қуввати (қайнаш ҳарорати бўйича) ХІ ДФ ва тегишли МХ ларда келтирилган усуллар ёрдамида аниқланди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, эликсирнинг ташқи кўриниши оч қўнғир рангли, ўзига ҳос ўткир хидли ва бир оз буриштирувчи мазага эга бўлган суюқлик бўлиб, унинг сон кўрсаткичларидан қуруқ қолдиқ миқдори 0,52%ни ташкил қилди. Шунингдек эликсир таркибидаги оғир металл тузларининг миқдори 0,001% эканлиги аниқланди. Эликсир таркибида спирт қуввати қайнаш ҳарорати бўйича ХІ ДФ да келтирилган усул ёрдамида аниқланди. Олинган натижалар унинг таркибидаги спиртни миқдори 56% эканлигини кўрсатди.

Хулоса: маҳаллий ўсимлик хом ашёлари: гулхайри илдизи; ёнғоқ ва маврак барги; оддий бўймадарон ва мойчечак гули; қирқбўғин ва қоқиўт ер устки қисми асосида тайёрланган “Тонзилат” эликсирининг сифат кўрсаткичлари: ташқи кўриниши, қуруқ қолдиқ миқдори, оғир металл тузлари ва спирт қуввати (қайнаш ҳарорати бўйича) ХІ ДФ ва тегишли МХ ларда келтирилган талабларга тўлалигича жавоб беради.